

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 58 (10.363)

2005 ЙИЛ 24 МАРТ

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни**
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСКА
САТЛАРДА**

● **ЎТГАН** куни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ҳамза туман Кенгаши ташаббуси билан туманининг чекка маззеларида ободонлаштириш ишлари олиб борилди, ариқлар чиқиндилардан тозаланиб, мингдан ортқ турли хил кўчатлар экилди. Бу ишларда мактабларнинг "Камолот" етакчилари тенгдошларига ўрناк бўлиши.

● **30-МЕХРИБОНЛИК** уйда Наврўз айёмига бағишлаб ўтказилган тадбирда сумалак тайёрланди, ҳар хил миллий ўйинлар ва спорт мусобақалари уюштирилди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги "Билимдон" маҳалласида ҳам янгилиниш айёмига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **ЭРТАГА** Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда миллий қадриятларимизнинг жамият ҳаётида тутган ўрни масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги Шароф Рашидов маҳалласида баҳор таомлари — сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучваранинг тарихига бағишлаб ўтказилган тадбир туман ҳокимлиги, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ташкил этилди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 105-маҳсус мактаб-интернатда тарбияланувчилар ўртасида шахмат, шашка, арқон торттиш, баскетбол бўйича 15 мартдан ўтказилаётган мусобақалар **ЭРТАГА** аяқланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Машаббус —
2005

Кеча «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятининг маданият саройида анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ташаббус» кўриктанловининг Мирзо Улуғбек туман босқичи бўлиб ўтди.



ЭНГ САРАЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимизда ҳам ушбу кўриктанлов тўғрисида тадбиркорлар сафи кенгайиб, улар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан иқтисодиётимиз ривожига қўшаётган улушлари сезиларли даражада ўсиб бормоқда.

— Кувонарлиси, кўриктанлов иштирокчилари йилдан йилга ёшармоқда, — дейди Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатасининг Мирзо Улуғбек туман филиали раҳбари Раъно Абдураимова, — 20 нафар тадбиркор ва кўли гул хунармандларимизнинг кўпчилигини айнан ёшлар ташкил этмоқда. Уларнинг изланишлари, меҳнатлари самарасини яққол ифода этувчи маҳсулотлар кўрғазмаси барча йиғилганларда ва ҳайъат аъзоларида катта қизиқиш уйғотди.

Мазкур танловда «Энг яхши тадбиркор» ва «Энг яхши хунарманд» номинациялари бўйича «Avitsenna-Aroma», «ISEN», «RAMDOR», «NAREL», «KALIFAT» каби масъулияти чекланган жамиятлари, «Ишонч-Рустам» шўъба корхонаси, «Райхона-дона», «Adasages» хусусий фирмалари иштирок этиб, уларнинг сифатли, рақобатбардош маҳсулотлари кўрғазмадан ўрин олди. Шунингдек моҳир дизайнчи, ёғоч ўймаkori, купол, лок-миниатораси усталари, миллий, замонавий либослар яратувчилари кўпроқ ёшлардан иборатлиги эътиборга молик, албатта.

Кўриктанлов шартлари бўйича ўзаро беллашган қатнашчилар ўзларининг билим ҳамда маҳоратларини намойён этишди ва ҳайъат аъзолари томонидан ҳар бир иштирокчини ҳолис баҳолашга эришилди.

Тадбирда «Энг яхши тадбиркор» номига



биринчи ўринни эгаллаган «Avitsenna Aroma» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Иброҳим Турсунов сазовор бўлди. 2-ўрин «Райхона-дона» хусусий фирмаси раҳбари Райхона Қурумбаевага ҳамда 3-ўрин «RAMDOR» хусусий фирмаси раҳбари Асқар Усмоновга насиб этди.

Ушбу кўриктанловнинг «Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича биринчи ўринга темирдан қўйма маҳсулотлар ясовчи уста Владимир Пилипоқ муносиб деб топилди. Шунингдек, иккинчи ўрин сопол устаси

Александр Шимолин ва 3-ўрин ёғоч ўймаkori Александр Қарқўжа Абидовга насиб этди. Голибларга эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: кўриктанловдан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

XXI сақоси
Хаср Барча малбалардан олганига сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Сенатда Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргаликда ташкил этган давра суҳбати биологик хилма-хиллини сақлаб қолиш модели сифатида Нурота-Қизилқум биосфера резерватини барпо этиш мисолида «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуннинг ижросига бағишланди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий «Ташаббус» кўриктанловининг Фарғона вилояти босқичи аяқланди.

● Кеча Тошкентда Бутунжаҳон метеорология куни ва Бутунжаҳон сув кўнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Наврўз айёми «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимида ҳам кенг нишонланди. Жумладан, айни Наврўз куни «Тошғўзур-Бойсун-Қумкўрган» йўналиши қурилишида меҳнат қилаётган темирйўлчилар, қурувчилар учун Бойсун темир йўл бекатида катта тантана ўтказилди.

● Беруний тумани меҳнат бўлими Беруний, «Бийбозор» ва «Олтинсой» овулларида навбатдаги меҳнат ярмаркасини ташкил этди. Тадбир давомида мутахассислиги ва малакасига қараб 145 нафар киши иш билан таъминланди. «Навоийазот» акциядорлик жамиятида халқ истеъмол моллари корхонаси қайта таъмирланиб, полипропилен халта ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жаҳонда

● Жазаирда Араб давлатлари лигасининг саммити бошланди. Унинг қатнашчилари араб-исроил можаросини ечиш йўлларини ишлаб чиқиши кўзда тутилмоқда.

● Европа Иттифоқи 1989 йилда Хитойга нисбатан қурол-яроғ сотишни чекловчи эмбарго эълон қилганди. Айни пайтда уни бекор қилиш юзасидан муҳокамалар ўтказилмоқда.

● Франция парламенти ҳафта иш соатлари чегараланишини кўзда тутовчи қонунни бекор қилиш учун овоз берди. Янги қонунга биноан эндиликда хусусий компаниялар иш соати миқдорини 48 соатга ошира олади.

● Норвегия мамлакатда нефть саноатини тиклаш мақсадида Ироққа 27 миллион Норвегия крони ҳажмидаги маблағни киритишни мўлжалламоқда.

● Исландия парламенти шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Бобби Фишерга мамлакат фуқароллигини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШАР ОЛИМПИДАСИ

Тошкентда умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг финал босқичи бошланди. У Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданок ёш авлоднинг баркамол ривожланиши ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ўзбекистоннинг келажагини эса айнан иқтидорли ёшлар белгилайди. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун каби муҳим ҳужжатлар ушбу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури маз-

кур соҳадаги еслохотнинг ўзига хос давомидир. Мактабларнинг замонавий ускуналар билан жиҳозланиши ўқув жараёнининг сифати ва самардорлигининг оширилишини ҳам таъқозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатда ҳар йили умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси ўтказиб келинади. Унда академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, умумтаълим мактаб-

ларининг юкори синф ўқувчилари иштирок этади. Бу мусобақалар энг иқтидорли болаларни аниқлаш, математика, физика, биология, кимё, информатика ва бошқа фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда иштирок этадиган жамоаларни шакллантириш имконини беради.

Бу галги мусобақада туман, шаҳар ва вилоят олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этган 600 га яқин ўқувчи ўзаро баҳslashмоқда. Финал босқичи голиблари 26 мартда эълон қилинади.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Иқтисодиёт

МУҲИМ ХИССА

Мустақиллик туфайли юртимизда бунёдкорлик ишлари авж олганлиги эътиборга молик, албатта. Шу боис ҳам сифатли, рақобатбардош қурилиш ашёлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сафи йилдан йилга ортиб бормоқда.

Чилонзор туманида узок йиллардан буён шу соҳада муваффақиятли фаолият юритаётган "8-темир-бетон маҳсулотлари заводи" акциядорлик жамияти жамоаси ахли ўзининг харидориги маҳсулотлари билан ички бозоримизда муҳим ўрин эгаллаб турибди.

Мазкур жамиятнинг 154 нафар тажрибали, гайратли ишчи-хизматчилари айна кунларда катта буюртмани бажаришга астойдил бел боғланган. Яъни, Эски шаҳарни қайта қуриш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда бозорга келиб-кетувчи фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида Зарқайнар, Сағбон ҳамда Қодирий кўчаларини бир-бири билан боғловчи ер ости ўтиш йўллари учун жамоа ахли 60 миллион сўмлик буюртма — бетон тоннелни тайёрлаб берди. Буюртма 100 миллион сўмлик бўлиб, қолган қисми ҳам белгиланган муддатларда бажарилиши режада кўзда тутилган.

Заводда, шунингдек, Самарканд дарвоза ҳамда Фурқат кўчаларида қад ростлаган замонавий оилавий поликлиника, маҳалла гузари ҳамда янги тикувчилик цехи бинолари учун 130 миллион сўмлик устунлар тайёрланди. Бундан ташқари, корхона тadbиркорлари сайёҳаракатлари туфайли янги турдаги маҳсулот — 4 хил ҳажмдаги манзарали гултуваклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

МИЖОЗЛАРНИ МАМНУН ЭТМОҚДА

Мирзо Улугбек туманида фаолият юритаётган хусусий тadbиркорлар орасида Нигмон Рихсиев ўзининг интилувчанлиги, ташаббускорлиги, янгиликка ўчлиги, асосийси, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиши, маҳсулотларининг таннархи нисбатан арзонлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Асли мутахассислиги иқтисодчи бўлган ушбу тadbиркор Хитой давлатидан келтирилган ускуна ёрдамида 2 нафар малакали ишчилари ёрдамида икки йилдан буён сифатли хушхўр, мазаги ширинликлар ишлаб чиқармоқда ва харидорларни мамнун қилмоқда. 8 турдаги — "Фазогир", "Қаймоқли", "Баҳодир", "Шоколадли", "Лимон", "Апельсин", "Бананли" вафлилари нафақат пойтахт дўконларида сотилмоқда, балки республикамиз вилоятларига ҳам шартнома асосида мунтазам жўнатилмоқда.

Жорий йил охиригача тadbиркор яна 2 хил турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадини кўзлаб кизгин иш юритмоқда.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА

Халқаро ривожланиш бўйича парламент вазири Г.Томас билан бўлиб ўтган учрашув чоғида Британия томони минтақавий умумий бозорни барпо этиш юзасидан Ўзбекистон ташаббусини юқори баҳолади. Г.Томас Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган иқтисодиётни либераллаштириш ва жамиятнинг демократлаштириш борасидаги ислохотлар жараёнининг ижобий натижалари икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштиришга кўмаклашишини қайд этди.

Лондон Сити лорд-мэри М.Савори Ўзбекистонлик меҳмонлар билан учрашувда икки томонлама иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўлида мамлакатимиз эришаётган ўсиш суръатидан таъбирланганини қайд этар экан, икки мамлакатнинг сургута ташкилотлари ва банк муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришни таклиф

ЛОНДОНДАГИ АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи алоқалар масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти мудири У.Розуқулов бошчилигидаги мамлакатимиз делегациясининг Буюк Британияга сафари нихоясига етди. Делегация аъзолари Бирлашган Қиролликнинг давлат идоралари раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказиши баробарида "Ўзбекистонда бизнес қилин" мавзуга бағишланган сармовий конференция ҳамда Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгашининг навбатдаги мажлиси ишида қатнашдилар.

Этди. Буюк Британия экспорт кредитларини қафолатлаш бўйича департаментининг ижрочи директори П.Кроуфорд Ўзбекистоннинг ўтган йилдаги иқтисодий ривожланиши натижаларини юқори баҳолади, республикамизда яқинда ўз ишини яқунлаган Халқаро валюта жамғармаси миссиясининг ижобий хулосаларидан қониқш ҳосил қилганини изҳор этди.

Халқаро пахта ассоциацияси (ХПА) президенти Ф.Гробьен томонидан Ўзбек пахта-

бинининг юқори сифати эътироф этилар экан, жаҳон бозорига унга бўлган талаб катта экани таъкидланди. ХПА мутахассисларининг башират қилишларича, бундай эҳтиёж истиқболда ҳам сақланиб қолади.

Ташриф дастури доирасида "Ўзбекистонда бизнес қилин" мавзуда сармовий конференция бўлиб ўтди. Анжуман ишида 140 дан ортиқ

маҳаллий ва халқаро банклар, сармова ва сургута компаниялари, трансмиллий нефтгаз, энергетика ва тоғ-кон компаниялари, халқаро молия институтлари, шунингдек, Бирлашган Қироллик ҳукумати ва бошқа давлат муассасалари вакиллари иштирок этгани Буюк Британиянинг мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишга нисбатан ошиб бораётган қизиқишининг ўзига хос ифодаси бўлди.

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. Унда икки томонлама, жумладан, минтақавий даражадаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги аҳволи ва уларнинг кўламлиларини кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Авазбек ҲОЖИМАТОВ,
"Жаҳон" АА мухбири
Лондон.

Қарор ва ижро

ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ФЙДАЛИ ВА ҚУЛАЙ

Юртимизда савдо-сервис тармоқларида — дўкон, супермаркет, автомобилга ёнилик кийиш шохобчалари, меҳмонхоналарда, уяли алоқа ва коммунал тўловлар учун ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизими тобора кенгаймоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори бу борада муҳим омили бўлаётди, — дейди "Савдогар" акциядорлик тижорат банки пластик карточкалар тизимини жорий этиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи Ботир Омонов ЎЗА мухбирига. — Мазкур қарор пулнинг банкдан ташқари муомалада айланишини кескин қисқартириб, аҳоли орасида бу тўлов усулини оммалаштиришда жуда кўл келяпти.

2005 йил февраль ойидан банкимиз дастлабки сўм пластик карточкаларини муомалага чиқарган эди. Шу боис ҳисоб-китоб қилишининг ушбу қулай воситасини амалиётда кенг қўллаш мақсадида банкимиз томонидан эллик минг донга пластик карточка ва олти юзта терминал харид қилинди. Ҳозир Тошкент шаҳридаги бўлимлари-

миз миқозлари билан 120 терминални ўрнатиш бўйича шартномалар имзолади. 2005 йилнинг биринчи ярмигача бу тизимни банкимизнинг барча бўлимларида жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва у изчиллик билан бажарилмоқда.

Қулайлиги — пластик карточка орқали ҳисоб-китоб ишлари тез ва осон амалга оширилади. Ишлатилмай турган қолдиқ маблағларга эса банк томонидан ойма-ой фоиз тўлаб борилади. Яъни пластик карточка эгасининг муомаладан ортиқча пули кўпайиб бораверади. Масалан, "Савдогар-банк" пластик карточкалари бўйича "Фаровон ҳаёт" омонати жорий этилган. Унга кўра пластик карточкадаги омонат қолдиғига йиллик 16 фоиз миқдорда даромад тўланаётди ва ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда капитализация қилинапти.

Пластик карточкаларнинг ҳаётимизга

фаол кириб келаётгани пул айланишини тезлаштириб, муомаладаги маблағ танқислигини кескин камайтирмоқда. Ҳозир турли мулк шаклига эга ҳужалик юритувчи кўллаб субъектлар ҳодимларига ихтиёрий равишда ойлик иш ҳақининг пластик карточка асосида берилиши таъминланяпти. Бу борадаги ишлар, айниқса, Тошкент шаҳри, Бухоро ва Навоий вилоятларида жадал суръатда давом эттириляпти.

Пул муомаласини такомиллаштиришдаги бундай чора-тадбирлар аҳолига чакана савдо кўрсатиш тизими ва коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаш учун ҳам зарур шарт-шароит яратаяпти. Фойдаланувчиларнинг кундалик эҳтиёжи учун нақд пул зарур бўлиб қолганда, ушбу республиканинг барча банкларига қарашли банк-матлар орқали ортиқча қийинчиликсиз олиш имконияти мавжуд.

Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан сўм пластик карточкалари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш бўйича яхлит автоматлаштирилган тизим ишлаб чиқилган. Бу карточка эгасига қайси банкда хизмат кўрсатилишидан қатъи назар, барча савдо шохобчаларида банк операцияларини ягона режим асосида амалга ошириш имконини беримоқда.

ЎЗА мухбири
Лазиз РАҲМАТОВ
ёзиб олди.

Қўрғазмалар

КЕНГ ИМКОНИАТЛАР ОЧАДИ

Шаҳримиздаги "Ўзакспомарказ республика савдо-кўрғазмалар марказида бешинчи бор ташкил этилган "Озик-овқат саноати — Uz Food-2005" халқаро кўрғазмаси давом этмоқда.

Кўрғазмаларни ташкил этишга ихтисослашган ITE Group Plc ҳам ITE Uzbekistan компаниялари ташаббуси билан уюштирилган мазкур нуфузли халқаро анжуманида АКШ, Буюк Британия, Россия, Германия, Польша, Чехия, Швейцария, Туркия каби ўндан ортиқ мамлакатнинг элликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари ва анжомларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган етакчи компания ҳамда фирмалари иштирок этмоқда.

Кўрғазма айниқса республикамиз озиқ-овқат саноати соҳасига тааллуқли корхона мутахассислари билан гавжум бўлиб, уларда замонавий хорижий технологиялар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун керакли ас-

боб-ускуналар катта қизиқиш уйғотмоқда. Зеро, кенг миқёсдаги мазкур кўрғазма-ни ташкил этишдан асосий мақсад ҳам мамлакат озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятлар тудғириш, маҳаллий ҳамда хорижий тadbиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашга йўл очилди. Иштирокчилар эса бизнес бўйича янги шерикларни топиб, фаолиятларини янада ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўрғазма давомида қайси хорижий компанияси вакиллари билан гаплашмайли, улар ҳамюртларимизни ўз маҳсулотлари билан яқиндан таништириш, шунингдек, Ўзбекистон бозоридан янги шериклар топиб, келгусидаги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатил иштида эканликларини айтиб ўтишди. Халқаро кўрғазма да-



Ўзбек опера санъати ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Миллийлик руҳи билан яратилган бундай асарларнинг аксарияти Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театри репертуаридан ўрин олган. Ҳозирда ушбу санъат қошонаси ижодий жамоаси яна бир янги спектаклни саҳналаштиришга тайёргарлик кўрмоқда.

Сатнам

ЯНГИ САҲНА АСАРИ

Истеъдодли композитор Алишер Расуллов томонидан Афрўз либреттаси асосида яратилган мазкур постановка замонавий мавзуда саҳна юзини кўради. Рамзий маънода XXI аср аёли-операдаги бош образ театрининг етакчи солисти Ўзбекистон халқ артисти Муассар Раззоқова ижросида ўзининг жозибадор талқинини топади.

Янги операда ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топган аёллар истиқболи тараннум этилган саҳналар ҳам томошабинларга тақдим қилинади.

Акбар Йўлдошев

вомида ўзаро манфаатли ҳамкорлик юзасидан кўплаб шартномалар тузилгани фикримиз далилидир.

Уйлаймизки, "Озик-овқат саноати — Uz Food-2005" халқаро кўрғазмаси республикамиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг ташқи бозорга чиқиши, шу соҳадаги корхоналарнинг янги технологиялар билан бойиши ва маҳсулотлар сифатининг ошиши, бир сўз билан айтганда мамлакатимиз озиқ-овқат саноатининг янада ривожланишида кенг имкониятлар очади.

Даврон НУРМАТОВ
СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан
лаҳзалар.

Наталья Семёнова олган
суратлар.

Транспорт

«МЕРСЕДЕС-БЕНЦ»ЛАР ЯНА КЎПАЯДИ

«Мерседес-Бенц» русумли автобусларни кўпчилик йўловчилар яхши билишди. Ҳар томонлама қулай ва замонавий конструкцияда ишлаб чиқилган бу хил транспорт воситаларидан талайгинаси пойтахтимиз бўйлаб қатнаб йўловчилар узоғини яқин қилмоқда.

«Тошшаҳарйўловчитаранс» акциядорлик компанияси буюртмаси билан 2005 йилда «Мерседес-Бенц»лардан яна 300 таси шахримизга олиб келинадиган бўлди. Шу муносабат билан Германиянинг «Эво Бус ГмбХ» фирмаси вакиллари республикамизга ташриф буюрди.

«Мерседес-Бенц» автобусларини тайёрлаш билан шугулланаётган бу фирма эҳтиёт қисмларни ҳам кўплаб етказиб беришни ўз зиммасига олди.

ЯНГИ ДАСТУР

«Тошшаҳарйўловчитаранс» акциядорлик компаниясининг «Иқтисодиётда демократик жиҳатларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш» бўйича дастури ишлаб чиқилди.

Ана шу муҳим ҳужжатда компания корхоналари ва ўрта бўғин мутахассисларининг малакасини ошириш ҳам режалаштирилди.

Айни вақтда ҳайдовчиларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида автокорхоналарда ўқув машғулотлари бошлаб юборилди.

МАРКАЗ ЎН ЁШДА

Бугунги кунда шахримиз транспорт йўлларида қатнаётган трамвайлар орасида «Татра» вагонлари алоҳида ажралиб туради.

Чехияда ишлаб чиқарилаётган бу хил замонавий электр транспорт воситаларига намунали техник хизмат кўрсатиш мақсадида алоҳида «Татра» сервис маркази ташкил қилинди. Бунга ҳам ўн йил бўлди. «Тошшаҳарйўловчитаранс» акциядорлик компанияси тасарруфида фаолият кўрсатаётган ушбу марказга шахримиздаги иккинчи трамвай депоси ҳамда учинчи трамвай-троллейбус саройига бириктириб қўйилди.

Ҳозир ушбу корхоналар ихтиёрида 90 га яқин чех трамвайлари бўлиб, улар хизматидан кўплаб йўловчилар баҳраманд бўлишмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Наврўз нашидаси

ШОДИЁНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Шайхонтоҳур туманидаги Ибн Сино мавзесида катта байрам ва оммавий Наврўз тантаналари бўлиб ўтди. Баҳор, янгиланиш, поклик ва гўзаллик тимсоли бўлган ушбу байрам тадбирида «Ибн Сино» маданият ва спорт маркази жамоаси ва унинг қошидаги барча ижодий гуруҳлар иштирок этдилар.

Наврўз бобо — Азиз Турсунов ва Баҳорой ролида чиққан раққоса Наргиза Абдуллаева байрамга ўзгача файз бағишладилар. Шунингдек, ялпиз, бинафша, майсалар ва бойчечаклардан гулдасталар тайёрланиб, сомса, чучвара, сумалаклар пишириб, барчага улашилди.

«Шайхонтоҳур шодиёналари» мавзuida тайёрланган адабий-муסיқали ва театрлаштирилган ушбу байрам кечасида «Ибн Сино» маданият ва спорт маркази қошида фаолият кўрсатаётган «Умид» студияси, доирачилар дастаси, ҳажвчилар гуруҳи, «Абдулла» ва «Даврон» кўшиқ-чолғу дасталари, раққосалар, шунингдек ёш эстрада хонандалари Д.Собиров, Д.Ибрагимов, Ш.Ёкубов, Ш.Қундузов, А.Қосимовлар Наврўз айёмига бағишлаб тайёрлаган янги концерт дастурларини намойиш этдилар. Реп кўшиқ ижросиси Ф.Фахриддин ўзининг қизиқарли ҳажвиялари билан қатнашди. «Умид» раққосасининг раққосалари Ю.Раҳимова, Ф.Рейпназарова, Т.Хайитбоева, Г.Адхамжонов ва М.Содиқов, И.Бойматов, Ж.Валиев каби қалби олов созандалар чиройли ва оҳанграбо куй-кўшиқларини ижро этдилар.

Б.Зокиров номли республика эстрада кўрик-танловининг голиби, эстрада хонандаси Абдулла Курбанов ҳам ўзининг дилрабо кўшиқлари билан барчани хушнуд қилди. Хозир жойларда ушбу дастур бўйича сахналаштирилган байрам томошалари давом этмоқда.

— Наврўз ўз нафаси билан оламни яйратиб, яфнатиб юборадиган энг гўзал ва мафтункор байрамлардан биридир, — дейди биз билан суҳбатда марказ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика халқ таълими аълочиси Азим Азизов. — Наврўз эзгу ва олижаноб туйғулар уйғотувчи, инсон руҳини тараннум этиб поклагувчи, юракларни ғайрат-шижоатга чорловчи бетакрор айёмдир. Узим раҳбарлик қилаётган барча ижодий гуруҳларимни жамлаб «Шайхонтоҳур шодиёналари» деб номланган байрам сценарийсини ёздим ва театрлаштирилган янги концерт дастури тайёрладим. Аслида ушбу дастурни ўтган йили баҳор фаслида Ҳиндистонда бўладиган ижодий сафаримиз учун тайёрлагандик. Яъни



2004 йил 5-18 май кунлари Янги Деҳлидаги Жавоҳарлаъл Неру давлат университетида катта концерт берганмиз. Шунингдек, ўтган йилнинг 12-22 май кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган 4-Халқаро фольклор-раққ фестивалида ҳам муваффақиятли иштирок этдик.

Бу йилги дастуримизни бироз янгилаб Андижон, Фарғона, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Бухоро вилоятларининг фольклор намуналарини киритдик ва сайқал бериб қайта тайёрладик. Марказимиз бадиий жамоаси уларни мактаблар, маҳаллалар, меҳрибонлик уйларида зур иштиёқ ва маҳорат билан ижро этмоқдалар.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: «Ибн Сино» маданият ва спорт маркази раҳбари Азим Азизов навбатдаги концерт олдидан «Умид» студияси аъзолари билан машқ пайтида.

Мағлим

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

«Сиҳат-саломатлик» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида халқ таълими тизимида ҳам кенг қўламли тадбирлар ўтказишга киришилди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан тайёрланган режага биноан соғлиқни сақлаш ва спортни оммалаштиришга қаратилган кўпгина тадбирлар амалга оширилди.

Соғлом турмуш тарзи фалсафаси бўйича шарқнинг буюк мутафаккирларининг маънавий меросини ўрганишга катта аҳами-

Ана шундай ижтимоий-маиший номуносивликларни ҳисобга олган Тошкент шаҳар Оила маросимлари маркази бир неча йилдирки, ёш оилаларнинг турмуш тарзини миллий урф-одатларимиз нуқтани назаридан мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, марказ ташаббуси билан ташкил топган «Оила — муқаддас Ватан» жамоатчилиги асосидаги ёш оила қурувчилар мактаби балоғат ёшидаги пойтахт ёшларининг чинакам тарбия масканига айланиб бормоқда.

Республика Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими кенгаши кўмағида 2001 йилда иш бошлаган мактаб, бугунги кунда бешинчи ўқув йили машғулотларини олиб бормоқда. Тингловчиларнинг аксариятини эндигина турмуш қуриш арасида турган шаҳар тиббиёт, юридик, маданият ва хотин-қизлар коллежларида таҳсил олаётган ёшлар ташкил этади.

Ёш оила қурувчилар мактабининг махсус ўқув режасига асосланган дарс машғулотларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашамлар ва турли маросимларни ихчамлаштириш

ҳақидаги Фармони, Асосий Қонунимиз, Фуқаролик, Оила кодексларига эътибор қаратилади. Тингловчиларга Республиканиннг етакчи ҳуқуқшунос мутахассислари, тиббиёт ходимлари, социолог олимлар, ёзувчи ва шоирлар кўникмалар бериб боришади. Бунда

ят берилади. «Ибн СИНО — саломатлик маскани» деб номланган маърифат марказининг ташкил этилиши улғу аллома меросини ўқувчи-ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлади. Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллиғига бағишланган халқаро илмий-амалий конференцияда педагоглар ҳам фаол иштирок этдилар.

Маънавий-жисмоний мусаффоликка, соғлиқни муҳофаза қилишга ундовчи оммабоп қўлланмалар босмага тайёрланмоқда.

Соғлом турмуш тарзи масалалари бўйича яна қатор нашрлар юзга келади. Плакат, буклет ва тарқатма материаллар ҳам чоп этилади. Бундан ташқари вазирликнинг тадбирлар режаси доирасида «Шахсий гигиена ва санитария қоидалари», «Саломатлик дарслари», «Саломатлик алифбоси» каби қўлланмалар нашр этилиб, жойларга юборилади.

Анвар ВАЛИЕВ

Ёшлар — келажакимиз

ТАРБИЯ МАСКАНИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА

Халқимизда «Бир болага етти кўшни ота-она», деган мақол бор. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод мисоли нўхлогга ўхшайдики, у ўз вақтида парварши қилинмас экан, мўлжалдаги ҳосилни олиш қийин кечади. Яъни, ҳаётий зиддиятлар таъсирида йўлларини йўқотган ёшларнинг турмушини қайта изга солиш кўп фурсатни талаб этади. Бироқ, вақт кутиб турмайди. У ўзининг тошқин ва жўнқини ўзанида муттасил одимлайверади...

кўпроқ ёшларнинг мустақил ҳаётга оғли равишида қадам қўйишларига назарий ва амалий ёрдамлар бериш назарда тутилган.

— Машғулотларимизни ташкилий гуруҳ ҳайъатидан иборат таркиб асосида йўлга қўйганмиз, — дейди марказ директори Марҳамат Йўлдошева. — Гуруҳ аъзолари орасида олимлар, жамоат ташкилотларининг маъсуллари мавжуд. Шунини таъкидлаш жойизки,

тингловчилар йил давомида «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг маънавий асослари», «Сурункали гепатит касаллигининг олдини олиш», «Оилада урф-одатлар ва анъаналар: уларнинг оилавий муносабатларга таъсири» ва «Оилада шахслараро муноса-

батлар» сингари мавзуларда чуқурлаштирилган маърузалар тинглашади. Шунинг баробарида бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, бугунги замон талабларини тўғри тушуниб етиш, ҳаётий зиддият ва қийинчиликларни бартараф этишга юксак маънавий қиёфага эга бўлиш зарурлигини эътироф этиш мактаб маърузаларида алоҳида ургу бериладиган қирраларни ташкил этади.

Жорий йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» сифатида эътироф этилиши ёшлар онгида соғлом турмуш тарзини шакллантиришдек устувор вазифани талаб қилади. Буни ўз вақтида англаб етган ёш оила қурувчилар мактаби маъмурияти балоғат ёшидаги йигит-қизларнинг саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, бўлажак оналар ўртасида учраб турадиган бепошлик ҳаслатлигининг олдини олиш, оила саломатлигини ҳимоя қилиш йўллари, қонун-қоидалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиши ҳақида»ги қарорининг оилавий саломатлиқни таъминлаш тарови эканлиги, ўсимлар ўртасида учраб турадиган сурункали гепатит касаллигининг олдини олиш чора-тадбирлари борасидаги бир қанча мавзулардаги суҳбатлар, кўрик-тавлловлар, савол-жавоб кечаларини ўтказишни режалаштириб қўйишган.

Соғлом турмуш тарзи жамият ҳаётида алоҳида эътиборга молик масала. Шундай экан унинг ҳуқуқий асосларни яратилиб, маънавий устуларни раванқ топиб бораётган бугунги кунда соҳа мутасаддилари зиммасидаги масъулият катта аҳамият касб этади.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Бебахо бойликларимиз — газ, сув, электр энергиясидан оқилона фойдаланишнинг ўзи, ушбу неъматлар тежамкорлигига қўшилган ҳисса бўлиб, исрофгарчилигининг олдин олдига қатта аҳамият касб этади. Шунингдек, кейинги пайтда хонадонларимизга ўрнатилаётган ҳисоблаш ускуналари ҳам ана шундай тежамкорлик омилли эканлигини тажриба аққол исботламоқда. Шу боис ҳам ҳисоблагичлар ўрнатишга қатта аҳамият қаратишмоқда. Вазирлар Мақомамати 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисоблаш олиш приборларини ва ресурсларни тежамчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида»ги қарорда тежамкорлик омилли бўлган ҳисоблаш ускуналарини ўрнатишни тўқлик тугаллаш муддатлари аниқ кўрсатишган. Жумладан, табиий газга ҳисоблаш олиш приборлари жорий йилнинг 1 сентябрга қўйилган. Ўрнатиш савол туғилади. Ҳўн, ушбу қарор ижроси юзасидан «Тошкентшаҳаргаз» худудий газ таъминоти корхонасида қандай юмушлар бажаришмоқда?

— Вазирлар Мақомазининг юқоридаги қарорда республика Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан корхонамизда аниқ амалий ишлар бажаришмоқда. — дейди корхона директори ўринбосари Абдумажид Мирсагадов. — Кенгайтирилган йиғилишимизда ушбу Қарорлар асосида чора-тадбирлар белгиланди. Таъсирчанлик дастурга мувофиқ газ ҳисоблагичларни ўрнатишни назорат қилиш ва улардан фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб бориш юзасидан 2005 йил 1 сентябрга пойтахтимизда газ ҳисоблагич асбобларини ўрнатиш ишларини ойма-ой якунлаш режаси ишлаб чиқилди. Режаларнинг бажарилиши эса қатъий назоратга олинган. Жорий йил сентябрга 176974 та газ ҳисоблагич ўрнатиш керак бўлиб, 10 март ҳолатига кўра 30577 та, жами эса 394.509 та газ ҳисоблагичлар ўрнатишган. Айтиш пайтда барча туманларда махсус бригадалар ташкил этилган бўлиб, айниқса, Бектемир, Юнусобод, А.Икромов, С.Раҳимов, Сергели туманларида бу ишлар жадвал суръатларда олиб борилмоқда.

— Ҳисоблагичларнинг афзаллиги тежамкорликда акс этаётганими? — Албатта, ҳисоблагичлар ўрнатишган хонадон эгаларининг ўзи бунга эътироф этишмоқда. Негаки, газ беҳудга ёқиб қўйилмайди, исрофгарчиликнинг олдини олади. Агарда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Чилонзор тумани, Дўмбиробод кўчаси, 163-уйда яшовчи Ф.Эргашев ўтган йилда тариф буйича 61 334 сўм ўрнига ҳисоблагич кўрсаткичи буйича 51509 сўм,

169-уйда истиқомат қилувчи А.Ҳамламов 47624 сўм ўрнига ҳисоблагичда кўрсатилган 34.189 сўм газ пулини тўлашди. Шунингдек, Миробод тумани Файзиобод кўчаси, 13-«А»-хонадондан Тошмухамедов, 32-хонадондан Хўжаевлар ҳам ҳисоблагич буйича тўловни бажаришган, унинг оила бюджетига анчагина иқтисод эканлигини аққол сезишди. Энг муҳими эса истеъмолчилар сарфига яраша ҳақ тўлагач, тежамкорликка алоҳида аҳамият қаратмоқда, гасни беҳуда ёқиб қолларига ўзлари чек қўйишмоқда.

— Ҳозирда ўрнатилаётган газ ҳисоблагичларнинг нархи ва уларнинг қиймати қанча мударда тўлаш лозимлигини хонадон эгаларига эслатиб ўтсак, фойдалан ҳоли бўлмас...

— Айтиш пайтда ўрнатилаётган газ ҳисоблагичларнинг нархи турига қараб белгиланади. G-1,6 русумли ҳисоблагич — 27.500 сўм, G-4 русумли ҳисоблагич 27.500 сўмдан 33165 сўмгача, G-6 русумли эса 32 минг сўм

нинг нормал иш кўрсатишини таъминлаш борасида корхонанинг буйруғи чиқарилиди. Ҳозирда улар аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Шу жумладан бугунги кунда 130 та «Ўзуйбой-жамгармабанк», 201 та халқ банки шохобчалари маҳалла худудларида тўловларни қабул қилиш буйича фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, янада қулайликлар яратишни кўзда тутган ҳолда аҳоли тавжум маҳалла ва мавзёларда кўчма пул тўлов шохобчалари ташкил этилмоқда.

Қарорнинг 2-бандида белгиланган, яъни шартномада қайд этилган муддатларда ўтиб кетган ҳар бир кун учун юридик шахслардан муддатга ўтказиб юборилган сумманинг 0,4 фоизи, аҳолидан эса 0,1 фоизи миқдорда, аммо 50 фойдан ошмайдиган миқдорда пеня ундириш учун қўйилган тўлов таллабномаларининг суммаси 605 944 сўмни ташкил этади. Ҳозирда уларни ундириш ишлари амалга оширилмоқда.

Булардан ташқари Вазирлар Мақомазининг 61-сонли қарорига кўра тузилган вазифалар ижроси юзасидан корхонамиз, «Ўздавнфотгаинспекция», «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси билан ҳамкорликда берилган газ лимитини иқтисод қилиш мақсадида ташкилотларда эскирган қозонхоналарни алмаштириш буйича рўйхат тузилди ва 2005-2007 йилларда уларни тўлиқ янгилаш режаси тасдиқланди.

— Қўрилган чора-тадбирларга қарамай табиий газдан ноқонуний фойдаланувчилар учраб турибди...

— Жорий йилнинг ўтган икки ойи мобайнида ноқонуний истеъмолчилар сони пойтахтимизда 172 та ташкил этиди. Уларнинг барчаси табиий газ тармоғидан узилди, зарур чора-тадбирлар кўрилди. Айниқса бундай ўзбошимча истеъмолчилар Юнусобод, Шайхонтоҳур, С.Раҳимов, А.Икромов туманларида кўпчиликини ташкил этади. Назорат ишлари режа асосида олиб борилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бундай ноқонуний уланмаларнинг техника хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаган ҳолда амалга оширилиши, газ ҳисоблагичларни четлаб ўтиб ўзбошимчлик билан ўрнатилиши ҳам оила аъзолари, ҳам кўни-қўшнилари учун зарар, бахтсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин. Шу билан биргаликда ўғрилик, жиноят бўлиб, қинғир ишнинг қийини барибир очилади. Шу боис ҳам иссиқхонаю тандирхона қурган ҳар бир тadbиркоримиз ҳисоблагич ўрнатиб, қонуний йўл билан табиий газдан фойдаланса, бировнинг ризқини қиймайди. Ахир кундалик ҳаётимизда ниҳоятда асқотадиган «зангори олов» ҳар бир истеъмолчи учун керак ва қимматли табиий газ учун тўловларни қабул қилиш буйича 38 та шартнома тузди. Шартномага асосан банклар таркибидаги минни банклар ва тумангаз филиаллари қoшида очилган банк филиаллари фаолиятини, улар-

Сўраш

ЎЙЛАШНИНГ ВАҚТИ ЕТДИ

Хар бир нарсанинг ўз вақтида ва мезёрида бўлгани яхши. Шу жумладан, фойдаланилган коммунал хизматлар ҳақини ҳам вақтида, ойма-ой тўлаб борсангиз, қарзингиз ҳам кўпаймайди, хизматдан ҳам беминнат фойдаланасиз, ўзингиз ва кўни-қўшингиз келгусида қулайликлардан самарали фойдаланиши учун шароит яратасиз.

Биргина табиий газ хизматини оладиган бўлсак ҳамшаҳарларимизнинг ушбу бебахо неъматдан керакча фойдаланиб, ҳақини вақтида тўламасликлари оқибатида жорий йилнинг 1 март ҳолатига кўра дебитор қарзлари 1.903 930 минг сўмни ташкил этади. Айниқса, Шайхонтоҳур, А.Икромов, Ҳамза, С.Раҳимов, М.Улғубек, Юнусобод туманларида ана шундай қардор хонадон эгалари кўпчиликини ташкил этиб, уларнинг бу хатти-ҳаракатлари кўпчилик истеъмолчиларга намунали хизмат кўрсатишда салбий таъсир қилади. Ахир носозликларни бартараф этиш учун маблағ зарур-ку.

Яна шунини таъкидлаш ўринлики, айрим истеъмолчилар тўловга қурби етсада, бепарволик қилишади. Лекин бир кунга газнинг қолган «айюқанос» солишдан, турли идораларга шикоят қилишдан чарчамайди. Уша носозликнинг содир бўлишида ўзининг ҳам айби борлигини ўйлаб кўрса, балки ахвол ўнганлармиди?

Собир Раҳимов тумани, Бобоқонрак кўчаси, 133-уйда яшовчи Укта Юдиев 155.5 сўм, Мирзо Галиб кўчаси, 19-уйдан Исфандиёр Латيفов 120 минг сўм, Нозимхоним кўчаси, 5-йўлак, 24-уйдан Талъат Шокиров 72699 сўм, Чилонзор тумани, И.Усмонов кўчаси, 2-йўлак, 9-уйдан Ҳасан Фуломов 121 409 сўм, Иқтисод кўчаси, 45-уйдан Аҳмад Музаффаров 127 900 сўм, А.Икромов тумани, Шоир кўчаси, 1-йўлак, 67-уйдан Тоҳир Убаев 107 минг сўм, Ибрат кўчаси, 10-уйдан Мансур Турсунқўжаев 78 минг сўм газ ҳақини тўлашни пайсалга солишмоқда. Ваҳоланки, улар «зангори олов» дан керакча фойдаланишган, ҳақини эса ўйлаб ҳам қуришмаган. Ахир олоқнинг бермоғи ҳам борда, буни унуттиш исфоддан эмас.

Ўз бурчини унутган истеъмолчилар Мирзо Улғубек туманида ҳам топилади. Шу боис ҳам аҳолининг 2005

йил 1 мартга дебитор қарзлари туман буйича 230 миллион сўмга яқиндир. Циолковский кўчаси, 359-уйда яшовчи Аскар Тўнобоев 88 235 сўм, 368-уйдан Анвар Назаров 79 089 сўм, 452-уйдан Нарғиза Одилова 54362 сўм, Г.Петров кўчаси 13-уйдан Рўхси Султонбекова 44388 сўм қарздорликларини жуда яхши билишдию лекин турли баҳоналар билан тўловчи пайсалга солишмоқда. Миробод тумани, Банокатий кўчаси, 203-уйдан Раҳимберди Назармухамедов 58 243 сўм, Сарикул 1-тор кўчаси, 25-уйдан Мирсўлтон Мерганов 53060 сўм, Ш.Умаров кўчаси, 2-уйдан Нина Галиев 44682 сўм қардор. Аммо юқоридagi хонадон эгалари шунини унутмасликларни лозимки, ўтаётган бир кун ҳам улар учун қанимат ва фойдали. Негаки, эртага ушбу миқдорга кунга пеня қўйилса бу кимнинг ҳамёнига зиён бўлади? Қарздорларга эса ана шунини ўйлашнинг вақти етди.

(Ўз мухбиримиз)

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ:
истеъмолчи ҳуқуқи талабчанлик самараси

Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаси томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бошқарма ходимлари томонидан келиб тушган ариза ва шикоятларни қўриб чиқиш ҳамда тегишли чора-тадбирлар қўллашга асосий эътибор қаратилган.

Истеъмолчи ҳуқуқи

ТАЛАБЧАНЛИК САМАРАСИ

Хар биримиз истеъмолчимиз. Ҳуқуқларимиз қонун билан химояланган. Лекин ҳаммамиз ҳам истеъмолчи сифатида қандай ҳуқуқларга эга эканлигимизни билавермаймиз. Истеъмолчининг ўз ҳуқуқларини химоя қилиш эса сифатли махсулоту намунали хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

сифатсизлиги ҳамда кўрсатилмаётган хизматлар учун ҳам ҳақ олинмаётганлигини маълум қилган. Ушбу шикоят бошқарма ходимлари томонидан келиб тушган аризаларни сифатсиз кўрсатилган хизматлар учун қайта ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида кўрсатма берилди. Натияжада истеъмолчи М.Тожиёвага 80 минг сўм миқдорда қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

А.Икромов тумани, 12- мавзе, 15-уй 16-хонадонда яшовчи В.Хисамутдинованинг аризасида эса «Тошиссиқкуват» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан иссиқ сув таъминоти асоссиз равишда ўчириб қўйилганини қайд этилган. Текшириб аниқланган бўлсак, бошқармамизга ариза билан мурожаат этган Ҳамза тумани, «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзеси, 5-уй, 9-хонадонда истиқомат қилувчи М.Тожиёва «Диёр-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан кўрсатилмаётган хизматларнинг

бўлиги В.Ломовга оғохлантириш берилиб, истеъмолчига кўрсатилмаган хизматлар учун 1564 сўм миқдорда қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Чилонзор тумани, 5-мавзе, 37-уй, 33-хонадонда истиқомат қилувчи Р.Мухамедованинг аризасидан шу нарса маълум бўлдики, «Катта Чарх-камолон» уй-жой мулкдорлари ширкати билан истеъмолчи ўртасида тўлов масаласида муаммолар келиб чиққан. Бошқарма томонидан ушбу аризага жойига чиқиб ширкат масъул ходимлари ҳамда истеъмолчи Р.Мухамедова иштирокида ўрниниб чиқилди. Шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам 31-хонадонда 2 киши рўйхатга олинган. Шу боис ҳам ширкат томонидан нотўғри ҳисобланган ортиқча 6900 сўм миқдордаги маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди. Шунинг баробарида истеъмолчининг ўз маблағи ҳисобига 31, 32, 33-хонадонларнинг муҳандислик коммуникация тизими-

да таъмирлаш ишларини бажарганлиги аниқланиб, юқоридagi ширкат томонидан унга сарфланган 94 минг сўм харажат пули қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Юнусобод тумани, 19-мавзе, 33-уй, 43-хонадонда истиқомат қилувчи А.Боровкованинг шикояти ҳам иссиқлик таъминоти ва уй-жой мулкдорлари ширкатининг сифатсиз хизматлари хусусида бўлди. Албатта бу ариза ҳам жойига чиқиб хизмат кўрсатувчилар — «Тошиссиқкуват» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Чоштепа-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати масъул ходимларини жалб этган ҳолда ўрганилди. Кўрсатилган камчиликлар тасдиқланган ҳолда, ширкат томонидан улар бартараф этилди, яъни уй йўлакларига эшик ўрнатилди, ромларга ойна қўйилди, чироклар билан таъминланди, иссиқлик қувурлари алмаштирилди. Жорий йилнинг 2-чорагида 33-уйни тўла таъмирлаш режага киритилди. Шунингдек, «Тошиссиқкуват» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан кўрсатилмаган хизматлар учун истеъмолчига 5697,32 сўм миқдорда қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Албатта, истеъмолчиларнинг барча соҳаларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишлари кишини қувонтиради. Хизмат кўрсатувчилар ҳам бугунги истеъмолчи талабчанлигини эътиборга олишса, фойдалан ҳоли бўлмасди.

Шарофат БАХРОМОВА

Яқинда қабул қилинган «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президентимиз Қарори ижросини таъминлаш борасида, ҳозирда йирик кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, пойтахтимизнинг қатор туманларида коммунал соҳа ислохотларини қўллаб-қувватлаш, ширкатлар фаолиятини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

ТЎҒРИ АНГЛАШ ЖОИЗ

Фикримиз исботини Мирзо Улугбек туманидаги «Шоҳизамон» уй-жой мулкдорлари ширкати мисолида ҳам кўриш мумкин. Ширкат 2001 йилда тузилган. Тасарруфидаги 19 та кўп қаватли уйда 1093 та хонадон мавжуд.

— Юқоридagi Қарордан сўнг ишларни жадаллаштириб юбордик, — дейди ширкат раиси Ҳамза Каримжонов. — Уйларимиз зилзиладан сўнг — 1968-69 йилларда қурилган. Уларнинг аксарияти таъмирталаб ҳолга келиб қолган эди: тинимсиз изланишларимиз эвазига уларни таъмирдан чиқардик.

Ширкатга қарашли бўлган 6, 11, 16, 17, Ҳамид Олимжон мавзесидagi қарашли 3«б», 4«б» кўп қаватли уйларни синчиклаб кўздан кечирдик. Уларнинг аксарияти таъмирдан чиқарилган. Кириш йўлақлар эшигига кодли қулфлар ўрнатилган.

Кувонарлиси шундаки, ширкат томонидан олиб борилаётган ишлар уй-жой эгалари томонидан ҳам ўзига ҳос тарзда давом эттирилмоқда. Жумладан 13-уйда истиқомат қилувчилар ўзларининг шахсий маблағлари эвазига таъмирлаш ишларини олиб боришди.

Бироқ, Ҳ.Олимжон мавзесидagi 7-уй атрофи, болалар ўйингоҳлари жиддий таъмирда муҳтож, шу билан бир қаторда 1«б»-уйи атрофидаги мавжуд ахлат ташлайдиган жойларда кўнгилсиз ҳолатлар кўзга ташланади. Ҳайриятки, ширкатнинг кейинги иш режаларида бу ҳолатларни бартараф этиш белгилан қўйилган экан.

Яна бир муаммо бор. У ҳам бўлса 18 қаватли уйларда лифт хизматининг мунтазам равишда ишламаслигиндир. — Бу борада учрашмаган

ташкилот қолмади ҳисоб, — дейди уй бошқарувчи Насиб Икромов. — Лекин йилдан йилга аҳолидан лифт масаласидagi шикоятлар кўпайиб бормоқда. Уйлаимизки, бу борада масъул ташкилотлар ширкат ишларига ўз ёрдам қўлларини чўзалар, фойдалан ҳоли бўлмасди.

«Шоҳизамон» уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли ютуқ ва муаммолар етарли. Шу билан бирга улар олиб борилаётган коммунал ислохотларга ўз ҳиссаларини қўшиш ҳаракатида. Муҳими, ислохотлар моҳиятида фаровон яшаш, яхши кунларга интиқлик мавжудлигини илбаб олиш зарур. Иллат эса ягона — лоқайдликка берилмаслик зарур. Шундагина хонадонимиз кут-баракали, оиламизда хотиржамлик бўлади.

Хумоюн АЛИЕВ

Ҳақ

ЙЎЛАҚДА КИМЛАР ЯШАЙДИ?

Ватан остонадан бошланади, деган доно нақл бор. Ҳар кун ана шу остонамизни ҳатлаб турли юмушлар билан кўчага отланамиз. Ана шунда унинг покизалигига, орасталигига эътибор қаратсак нафақат ўзимизнинг, балки келиб кетувчиларнинг ҳам ҳаваси келади, керак бўлса ибрат олади.

Лекин кўпчилик пойтахтимиздаги айрим кўп қаватли биноларнинг йўлакларидagi ахволни кўриб дилингни ранжийди? Чилонзор туманидаги 20-мавзеда жойлашган 19/2-уй олдидagi ушбу ҳолат — сочилиб ётган ахлатлар уюмларига наҳотки мутасаддилар, маҳалла аҳли, яшовчилар бевфар қарашса? Бу нафақат кўча ҳуснига, балки гўзал шаҳримиз жамолига доғ эмасми?

КЎРИБ КЎРМАСЛИККА ОЛМАЙЛИК

Нима учун хонадонимиз ичкарасига эътибор қаратамиз, эшигимиздан бир қадам нарини бегона ҳисоблаймиз? Мана шундай ахлат ва чиқиндиларни (2-сурат) белгиланган жойга элтиб ташлаш шунчалик қийинми? С.Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси 6-уйнинг 2-йўлагидagi

мана шундай ахвол дилимизни ранжитди. Наҳотки, бундан уй бошқарувчилари, кўни-қўшинлар ранжишмайди? Ёки кўриб -кўрмасликка олишармиқан?

Пойтахтимиз ободлиги, саранжом-саришталиги ўзимизнинг юз-кўзимиз, соғлигимиз. Лекин мана бундай дилингни хира қиладиган ҳолатлар ҳам учрамоқдаки (3-сурат), кўриб нафақат ҳайрон қоласиз, балки лоқайдликдан ёқа улайсиз. Чилонзор туманидаги 20-мавзеда жойлашган 19/2-уй олдидagi ушбу ҳолат — сочилиб ётган ахлатлар уюмларига наҳотки мутасаддилар, маҳалла аҳли, яшовчилар бевфар қарашса? Бу нафақат кўча ҳуснига, балки гўзал шаҳримиз жамолига доғ эмасми?



Сўраш, жавоб берамиз
БОЗОРДАН СОТИБ ОЛГАН ЭДИМ...

Ўтган йилда хонадонимизга бозордан сотиб олиб совуқ сув учун ҳисоблагич ўрнатган эдик. Лекин орадан 6 ой ўтгач, ҳисоблагичимиз бузилиб қолди. «Сув-соз» трести Давлат унитар корхонасига мурожаат қилган эдим, улар ҳисоблагични содлаш учун пул тўлашни лозимлигини айтишди. Шу тўғрими? Қаромат ИҮЛЧИЕВА, истеъмолчи.

— Албатта, ҳисоблагичлар ўрнатишган хонадон эгаларининг ўзи бунга эътироф этишмоқда. Негаки, газ беҳудга ёқиб қўйилмайди, исрофгарчиликнинг олдини олади. Агарда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Чилонзор тумани, Дўмбиробод кўчаси, 163-уйда яшовчи Ф.Эргашев ўтган йилда тариф буйича 61 334 сўм ўрнига ҳисоблагич кўрсаткичи буйича 51509 сўм,

Сўхбатдош Шарифа ИЛҲОВА

Шарҳовчи

миқбари

БРЮССЕЛЬ
УЧРАШУВИНИНГ
НАТИЖАЛАРИ

Бельгия пойтахтида Европа Иттифоқининг (ЕИ) саммити бўлиб ўтди. Унда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилиши режалаштирилаётган вазифалар муҳокама этилди.

Икки кун давом этган олий даражадаги учрашувда иштирокчилар ЕИнинг барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт битимини ислоҳ этиш масаласида умумий қарорга келди. 1997 йилда қабул қилинган бу ҳужжатга мувофиқ, бюджет танқислиги 3 фоиздан юқори бўлган мамлакатга жарима солиниши керак. Ушбу қондан бузиб келаётган Германия ва Франция барқарорлик ва иқтисодий тараққиётга оид битимга ўзгартириш киритиш ғоясини илгари сура бошлаган эди. Брюссель саммитида уларнинг таклифи инобатга олинди, бюджет камолати 3 фоиздан ошиб кетган мамлакатларга нисбатан вақтинча жазо чоралари қўлланилмайдиган бўлди.

Йиғилишда 2000 йилда қабул қилинган Лиссабон стратегиясининг муайян бандларини ҳаёtgа татбиқ этиш юзасидан фикр алмашилди. ЕИ мамлакатларининг ҳукуматлари уни амалга ошириш доирасида ўз миллий дастурларини ишлаб чиқадиган бўлди. Иқтисодий ўсишни таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш мазкур дастурнинг асосий вазифалари эди белгиланди. Шунингдек, ЕИ мамлакатлари ҳар йили ўз миллий даромадларининг 3 фоизини фан-техника соҳасидаги тадқиқотларга йўналтиришга қарор қилди.

Лиссабон стратегиясида ижтимоий тараққиёт усули ва экологик андозаларни сақлаш ҳолда 2010 йилга қадар Европани жаҳондаги энг самарали иқтисодий маконга айлантириш мақсад қилиб белгиланган эди. Бироқ ўнги муаммолар сабабли ундаги баъзи бандлар бекор қилинди.

Брюссель саммитида ўтган йили тақлиф этилган ЕИда хизматлар бозорини эркинлаштириш директиваси (Болкестейн директиваси) бўйича ҳам келишувга эришилди. Европа парламенти уни бекор қилмай, фақат матнга ўзгартириш киритадиган бўлди. Таъкидламоқ жоизки, Болкестейн директиваси ЕИ раҳбарияти ва аъзолари ўртасидаги зиддиятларга сабаб бўлган эди. Чунки, баъзи мамлакатлар мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши Европа ижтимоий ривожланиш моделига салбий таъсир кўрсатади, деган фикрда эди.

Олий даражадаги Брюссель учрашуви иштирокчилари Ливандаги сиёсий вазиятга ҳам муносабат билдирди. Улар Сурия ҳукуматини бу мамлакатдан ўз қўшинини олиб чиқиб кетишга ҳақирди.

Нодирбек ЎЛЖАБОВЕВ,
Ўза шарҳловчиси.

Назира Аҳмедова бу ажиб фаслини айниқса хуш кўради, ҳовлисидаги бодом дарахти навбахорда кийғос гуллаганини кўриб, меҳри жўш уради, келинчақдек оппоқ гул-либосга бурканган қадди-қоматиға махлиб бўлиб, баҳор ҳақидаги ғўзал кўшиғини куйлаб юборганини ўзи ҳам сезмай қоларди. Она замин кўрки, Ватаннинг боғлари, тоғу қирлари, суюкли юрти жамолани безаган долаю, чучмўлауна унга илҳом бахш этарди, бинафшалар атри димоғини яйратарди. Хонанда куйларди, лаззат дарёсига гоҳ ўзи чўмиб, гоҳ мухлисларни чўмдириб куйларди, нафосат «Меҳробига» меҳр кўйиб куйларди... Назира Аҳмедованинг баҳорни куйлаши, навбахорни кўшиқда тараннум этиши, бу даргоҳдан Навоий номидаги Академик опера ва балет Катта театри сахнаси томон гуё қанот қоқиб, парвоз этарди ва машҳур «Лайли ва Мажнун» мумтоз операсидаги «Наврўз» сахнасини чунонам безаган ўйин-қулги, шўхчан ва зебо кўшиққа пайванд бўлиб кетарди:

Чун келди баҳор ойи,
юз очди бу дам
Наврўз,
Кўп майсалар устига
еткурди қадам Наврўз.

Завқ ила тўлиб диллар,
йўғонди бутун гуллар,
Хуш исли ҳавоси-ла хўб
келди шинам Наврўз.

Гўёки келинлардан безанмиш
дарахтлар ҳам,
Дилларнида ашнатди бу
нозли санам Наврўз.

Ўзбекистон мусиқа сахнасининг чинакам булбулларидан бўлмиш нодир овоз ва иктидор эгаси, атоқли сахна санъати устаси, машҳур хонанда Назира Аҳмедова XX аср миллий санъатимиз равнақи тарихида алоҳида, ўзига хос ўрин тутарди. У хониш маданияти, ижрочилик маҳорати билан кенг доврағ таратди...

Назирахошим 1913 йилда Андижон шаҳрида таваллуд топди. Унда кўшиқчиликка эрта ҳавас уйғонишида онаси Хониятхонимнинг дутор чертиши, жозибали ялла ва лапарлар айтиши, ёр-ёрлар тўқиши, аллалар хониш қилиши сабаб бўлганди. Н.Аҳмедованинг сахна санъати ва ижрочилигига меҳр кўйишида, шунингдек қатор машҳур санъаткорлар, М.Кориёқубов ва Тамарахошимларнинг ҳам таъсири ўта баракотли бўлганди.

Назиранинг болалик, ўсмирлик чоғлари анча мураккаб кечганди, отаси Аҳмад ака эрта дунёдан кўз юмди... Сағир қолган қиз XX асрнинг 20-йиллари ўртасида Тошкентга келди ва Меҳробонлик уйида тарбия олиб, ўқиди. Худди мана шу вақтларда у бадиий ҳаваскорлик тўғарагида иштирок эта бошлади, Зебуннисо мактаб-интернати қошида драматург ва театр намояндаси Хуршид ҳамда балетмейстер-педагог Али Ардобтов ташкил қилган «Кўк кўйлак» сахна-ижрочилик дастаси фаолиятида иштирок этиб, бир-икки пардали пьесаларда роллар ўйнади, концертларда рақсларга тушиб, томошабинлар меҳрини эрта қозона бошлади. Санъатга бўлган бу иштиёқ 1928 йилда уни Москвада очилган театр студиясида ўқишга йўллади. Назирахошим кейинчалик, Москвада таҳсил кўрган чоғларини эслаб, бундай деган эди: «Ушбу улкан шаҳарда, театр ва концерт ташкилотлари кўп бўлган Москвада, таҳсил кўраётганман, бу ердаги катта опера ва балет театрининг, машҳур «МХАТ»нинг, Москва консерваториясининг бирин-бир сахна асарини, кон-

церт дастурини қанда қилмай, томоша қилишга ҳаракат қилардим, драматик асарлару опера спектаклларини завқ-шавқ билан томоша қилардим, устоз ўқитувчилардан бири — «Сен драматик актриса бўлишинг керак, сенда бунга қобиляти ҳам, қадди-қомат ҳам бор» десалар, яна бири — «Сен опера санъати йўлидан боришга, овозингни шу йўлда тарбиялашга ҳаракат қил, сенда бунга хушрўй овоз ҳам бор, ғўзал истара, яхши қомат ҳам мавजूд», дердилар... Бу ҳолат мени жиддий ўйга толдирар, қайси йўлда ижодиётимни йўналтиришга ҳайрон ҳам бўлиб қолардим...

Аваллига йўл танлов таро-

ларни эслаб.

Мазкур театр сахнасида Назирахошим ўзининг ёрқин истеъдодини намойиш қилиб, бир умрга бу жанрдаги санъат сеҳрига боғланиб қолди ва қумуш-жаранг овози, ижрочилик маҳорати, яратган ёрқин сиймоли билан халқ ичра доврағ таратди... Ушбу театр сахнасида мўжассам этган тимсоллар, ўзининг наинки юксак хониш маданияти, балки драматик ижро маҳорати билан ҳам томошабин диққатини ўзига жалб этарди, мухлисларни мафтун қилиб, уларга эстетик қадриятларни улашарди.

1937 йилда Н.Аҳмедова етакчи санъаткорлар қаторида Москвада бўлиб ўтган ўзбек

ҳам юксак аҳамиятини тилга олиб ўтмоқ даркор. 1939 йилда юзага келган ва томошабинларга кўрсатилган «Бўрон» операсининг яратувчилари ва етакчи партияларининг ижрочиларидан — М.Ашрафий, К.Яшин, Тамарахошим, Халима Насировалар 1938 йилда «Правда Востока» газетасида таъкидланганларидек, «Фарход ва Ширин» (Хуршид ва Успенский асарининг) сахналаштирилиши билан (21 июнь) ўзбек опер театрини бунёд этишга асос солинди. Назира Аҳмедова мазкур театр шаклланиш жараёнининг бевосита иштирокчиси эди. У «Ер таргин», «Бўрон», «Лайли ва Мажнун», «Гулсара», «Фарход ва Ширин», «Тоҳир ва Зухра», «Гўрўғли», «Дилором», «Кармен», «Евгений Онегин», «Риголетто» сингари операларда тўлақонли, жозибадор бадиий сиймолар яратишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга самарали концерт фаолиятини ҳам олиб борди. Т.Содиқов, М.Бурхонов, Т.Жалилов, М.Ашрафий, Д.Зокиров, М.Левиев, К.Жабборов, Ҳ.Рахимов сингари композиторларнинг кўшиқ ва романсларини маҳорат билан ижр этиб, мухлисларнинг оққишига сазовор бўлди, меҳрини қозонди.

Ажойиб хонанда, ноёб «колоратура сопрано» овози соҳибаси Н.Аҳмедова ўзбек мумтоз кўшиқлари, миллий опера ижрочилигига қўшган улкан хиссаси учун «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони билан тақдирланди.

Мустақиллик йиллари ўзбек санъати равнақиға муносиб хисса қўшган атоқли ижодкорларнинг самарали меҳнати эъзозланиб, қадрланмоқда; уларнинг хотирасини абадийлаштиришга катта эътибор берилмаётган. Машҳур халқ санъаткори Назира Аҳмедова номи билан бундан аввал ўтказилган аёл хонандаларнинг Республика танлови ҳам ана шундай хайрли ишлардан бири бўлиб, у яхши натижалар берган эди, қатор иктидорли, хушрўй овозли хонанда аёллар ушбу дебоҳа танловнинг қалдирғоқ совриндорлари бўлган эдилар. Мана энди ушбу Республика танлови янада кенгроқ тарзда, хонандалар доираси ундан ҳам кенгайтирилган кўламда, Ўзбекистон маданияти ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Т.Содиқов номидаги мусиқа жамғармаси томонидан тайёрланиб, «Тезинтом» кўшма корхонаси ҳомилийгида, Ўзбекистон Давлат консерваториясида 8 кун давомида катта муваффақият билан ўтказилди. Бундан аввалги танловда 20 вокалист қатнашган бўлса, бу йилги Тошкентдаги яқунловчи кўрик-танловда 30 дан зиёд хонандалар иштирок этдилар. Уйлаймизки, Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан ташкил қилинган Назира Аҳмедова номидаги профессионал хонанда (вокалист)ларнинг II Республика танлови яхши самаралар беради ва мусиқа ижрочилик санъати равнақиға муносиб хисса қўшади, деган умиддамыз. У янгидан янги иктидорларни мусиқий театрларимиз, концерт ташкилотлари, радио ва телевидениеларга жалб этишга ҳам омили бўлади деб ўйлаймиз...

Баҳриддин
НАСИРДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ходими,
санъатшуно олим.

Сағватимиз даргалари

НАФОСАТ
«МЕҲРОБИ»ГА
МЕҲР ҚЎЙИБ

Навбахор... Табиатнинг гўзал, беғубор фасли. У мустақил диёримизга Истиклолнинг муборак 14 йиллиги арафасида яна бир бор кириб келди. Қиш кўйнидан чиққан она заминдан қор кетиб, юрт сатҳи кўм-кўк бахмал билан қопланди.

зусининг посонгиси «драма»га қараб энгашди... Шу боисдан бўлса керак, Назирахошим Москвадаги ўқишни битирган, 1930 йилда Тошкентга қайтди ва «ТРАМ» дея аталмиш ёшлар театрида актриса бўлиб ишлаш бошлади, бу театрда таниқли санъаткор Раҳим Пирмухамедов режиссерлик қиларди, ёш актёрлардан Қудрат Хўжаев, Карим Зокировлар ҳам бу ерда актёрлик фаолиятини ўтардилар. Шундан сўнг Назира Республика академик драма театрининг актрисаси бўлиб хизмат қилди, роллар ижро этди. Бироз вақт ўтган, ёш иктидор эгасини яна мусиқа, кўшиқ иштиёқи жозибали тарзда оҳанграбодек ўзига тарта бошлади, энди у мусиқий сахнасиёз, кўшиқчиёз яшолмаслигини чуккур англади, буюк нафосатшунос Абу Наср Форийонининг: «Оҳ мусиқа, сен бўлмасанг инсон холи не кечурди», деган пурмазмун сўзлари мағзини чуккур чакди... Назира Аҳмедова энди Ўзбекистон радиокўмитаси томон йўл олди, иктидорли хонанда сифатида радио орқали мумтоз ашулалар ва ўзбек бастакорларининг янги кўшиқларини ижро эта бошлади, машҳур Тўйчи хофиз, Ҳожи Абдулазиз, домла Ҳалим, Шораҳим Шоурман, Абдусоат дуторчи, Ғулум қори, Шобарот ва Шожалил танбурчию, Ризки ва Юнус Ражабийлар санъати, маҳорати унинг учун ўзига хос бир мактаб вазифасини ўтади, айниқса мақом куйлари унинг қалбига янада чуқурроқ кириб борди...

— Менинг ижод йўлимда 1933 йил алоҳида аҳамият касб этади, зеро шу йили мен республика пойтахтидаги «Қолизей» театри қошидаги «опера студияси»га ўқишга тақлиф этилдим. 1935 йилдан эса, Ўзбек давлат мусиқали театрининг «яқажон солисти» сифатида хизмат қила бошладим, «Фарход ва Ширин» (Хуршид пьесаси, В.Успенский мусиқаси) «Аршин мол-олон» (У.Ҳожибеков асари), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид пьесаси, Т.Содиқов мусиқаси), «Халима» (Ғулум Зафарий асари) сахна асарларидаги етакчи ролларини бирин-кетин ижро эта бошладим ва англадим-ки, мусиқий театрсиз энди сира ижодий ҳаёт кечира олмайман... — дейди Н.Аҳмедова ўша дам-

санъатининг ўн кунлигида қатнашди. Ушбу маданият анжуманида «Фарход ва Ширин», «Гулсара» мусиқий драмаларидаги ижро этган етакчи роллари, катта концерт залларида ижро этган кўшиқлари билан муваффақиятга эришди ва санъат фақлиятга ичра кенг танилди. Хонанда ўзининг ширали, жарангдор овози билан мухлислар олқишини қозонди, ажойиб маҳоратига эса вақтли матбуотда юксак баҳолаб берилди...

Назира Аҳмедова ўзбек миллий овозли киносанъатининг қалдирғоқ актрисаларидандир. Кўп киррали истеъдод соҳиб Раҳим Пирмухамедов, Лутфиноним Саримсоқова, Халима Носирова сингари машҳур санъаткорлар билан ҳамкорликда ўзбек кино ижодкорлари суратга олган илк овозли фильм бўлган «Асал» бадиий кинофильмида роль ижро этди.

Назира Аҳмедова 1939 йилдан бошлаб умрининг охиригача Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат Академик опера ва балет театрида самарали ижод этди. Бироқ бу театрининг, ўзбек миллий операсининг илдизлари фақат 1939 йилга боғлиқ эмас эди, XX асрнинг 20-30-йилларининг бошлариға бориб тақалади, бу жараёнда ана ўша 20-йиллар бошида ўзбек театри сахнасида кўйилган «Фарход ва Ширин», «Халима», «Лайли ва Мажнун», «Аршинмол-олон» мусиқали спектаклларининг, 1926 йилда тузилган Этнографик ансамблининг, 1928 йилда «Мусақали драма театри» деб номланган Андижон Давлат театрининг, 1929 йилда тажрибавий мусиқий театр, 1930 йилдан эса Ўзбек давлат мусиқали театри деб аталган ижодий жамоа театраларининг ўрни, фаолияти салмоқли бўлди. Мана шу йўлда республика мусиқали театрида 1938-39-йилларда томошабинларга кўрсатилган ўзбек тилидаги «Ер таргин», «Наргис» операларининг аҳамияти ҳақида ҳам эслаб ўтмоқ жоиз. Бу борада 1937 йилда Москвадаги ўзбек санъати ўн кунлигида юксак баҳолашга сазовор бўлган ва ўзбек миллий опера санъатини яратиш йўлида фундаментал кўприк ролини ўйнаган «Фарход ва Ширин», «Гулсара» мусиқий асарларининг

Ошша даврасида сўхбатлар

АМИР ТЕМУР ҲИТЛАРИ

Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

Асли тоза, насли пок, улуг зотлардан бўлган, яхши равишли кишилардан топиб, вазир қилинлар. Чунки асли тоза киши хатоликка йўл қўймайди, бадавс эса вафо қилмайди.

Давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тикдир. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини тadbиркорлик билан яхши ахволда, саранжом тутарди.

Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, мурувату аҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни қўриб, хижолат терига гарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга панох тилаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту давлатимга шерик қилиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим.

Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжмайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

Ақлли душман, жоҳилу нодон дўстандан яхшироқ.

Турмуш ҳоқраҳаларида

ҚЎШНИЛАР

Ён қўшни — жон қўшни. Қадим-қадимдан ҳукм суриб келадиган бу ибратли гап маъзида қўшниларнинг бир-бирлари билан аҳил ва иноқлиги, тотувлиги ҳақидаги маъно ётади. Чиндан ўйлаб қаралса ҳаёт бор экан, инсон бошига яхши-ёмон кунлар тушиши табиий. Шундай кезларда биринчи бўлиб сенга ён қўшнинг ёрдамга келади. Ахир доно халқ «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал» деган иборани бежиз айтмаганда.

Одинахон ва Севарахонлар девор-дармиён қўшни. Хар иккала оила йиллар давомида тинч ва тотув яшаган. Сиз оғзилари санга борманган. Уларни яқиндан билганлар бу икки аёлни опа-сингил бўлиб кетишганини таърифлашади. Кунлардан бирида «опа-сингилларга» кўз тегди. Уйинқароқ болалар туфайли санманга бориб қолишди.

Беш ёшли Мадинахон бурнини қонатиб ўйга кириб келди. Одинахон эшикдан йиғлаб қирган қизалоги томон югурди.

— Вой болажоним, нима бўлди, йиқилдингми?

- Йўқ.
- Нима бўлди ўзи, нега бурнинг қонади?
- Фулом урди.
- Нега, нимага уради?
- Мен унинг кўзига кум сочдим.

Нариги томондаги девор ортдан Севарахоннинг овози эшитилди.

— Кўзингга нима қилди, нега очолмаясан?

— Мадина кум сочди. Кейин мен уни урдим.

— Вой шунақами? Хали қараб турсин у арзанда...

Бор гап шу. Икки аёл бир-бирлариникига отилишди. Тўқнашув кўнада бўлди.

— Ҳой қўшни, эркатойингизга айтсангиз бўлмайдимки, болани қоп-қора қонга белабдику.

— Олдин оймайтилангизни эплаб олинг. Нега боланинг кўзига кум сочди. Уни кўр қилишига сал қолибдику.

Ўртага қўшнилар тушиб, уларни зўр-базўр тинчитишди. Аёллар гарчи ўйларига тарқалишган бўлсада, кечгача девор ортидан гоҳ у томон, гоҳ бу томон «тош» отиб турди.

Одатдаги кечки пайт қўшни аёллар давра кургани эшик олдидаги сўрига қилишди. Улар орасида Одинахон ва Севарахонлар ҳам бор эди. Лекин бу сафар улар одатдагидек ёнмаёن ўтиришмади. Бир-бирларига ёв қараш қилиб уни аёлларнинг нариги томонидан, бошқаси бериги томонидан жой олишди.

Улардан сал нарида қий-чув ўйнаётган болалар орасида Мадинахон ва Фуломжонлар ҳам бор. Кичкинтойлар эрталаб ораларидан ўтган келишмовчиликни аллақачонлар нутиб юборишган, бир-бирлари билан дилдан қувнаб ўйнашади. Ҳозиргина бир-бирини кўраган кўзи йўқ бўлиб ўтирган ҳар иккала аёл болалари орасидаги дўстона вазиятни узоқдан кузата туриб ўзларча хижолат тортишар, шу тоғда ўйламай-нетмай бир-бирларини хафа қилиб қўйганларидан пушаймон эдилар.

Шу пайт Фуломжон Мадинахонни етаклаб онаси Севарахоннинг олдида келдида унга илтижо қилди.

- Ойжон, биз Мадина билан анаву кичкина ҳовузда чўмилиб келсак майлими?
- Майли болажоним, олдин Одинахон хохлажониндан ҳам руҳсат олинглар.

Жажжи Мадинахон онасига арқаланди.

— Бора қолинглар. Лекин тезроқ қайтинглар.

Болалар кетишган Одинахон Севарахонга гап отди.

— Ҳой дўгона, нега у томонга ўтириб олдингиз, жойингизга ўтинг, — ёнига чақирди у Севарахонни.

— Вой, дўгонажон билмасдан бу томонга ўтириб олганимни қаранг.

Даврадаги хотинлар бир-бирларига маъноли қараб олишди.

— Шунақа қўшнижонлар, — деди кимдир шунда. — Болалар уришади, талашади, ярашади. Уларнинг ўртасига эси кетган тушади.

Бу гапдан Одинахон ва Севарахоннинг юзлари ял-ял ёнди.

Шарқ дурдоналари



● **ҲИҚМАТ.** Инсон гўзаллигининг асоси унинг чиройли хулқидир.

Чиройли хулқ билан инсон инсондир. Четдан боксанг шакли ҳаммаси бир хил.

Рангу ҳиди билан фарқи билнар.

Ёшда қир бил хил бўлган «гулу гил»!

● Бир ҳақимдан: «Хушхулқ киши қандай киши?» деб сўради. Ҳақим: «Ҳеч нарсадан ранжрмайдиган киши!» деб жавоб берди. Ёмон хулқли киши ҳақида сўраганларида эса: «Ёмонлик билан яхшилик ўртасидаги фарқни билмайдиган киши!» деб жавоб берди.

● Мехмонга борганида уй эгасидан сув ёки тузгина сўраб олишинг мумкин. Булардан бошқа нарсаларни сўраб олиб ейиш беодоблик ҳисобланади.

● Бир мехмон: «Мехмон учун мезбоннинг тўқилганидан кўра зарарлироқ нарсани йўқ», деб ҳазиллашган эди.

Чунки мехмоннинг олдида овқат олиб келинса-ю мезбон овқат ёв, тўйиб олган бўлса мехмон бемалол ея олмаслиги мумкин.

● Мехмонда улуг одамлар ўтирган бўлса овқатга улардан олдин қўл узатма, овқат олиб қилинадиган томонга қарайверма.

● Ҳақимларнинг айтишича, шижоат ва саховат ва хушфеллик энг алоҳи фазилатлар бўлиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улуглик сармосидан баҳрамандлик топганлар. Мазкур сифатлар ичида хушхулқлик алоҳида диққатга сазовордир. Негаки, шижоат аҳён-аҳёнда ишга тушади. Саховат олий фазилат бўлса-да, у барчага муяссар бўлавермайди, унинг уддасидан чиқши учун кишига ҳар хил шарт-шароитлар керак. Аммо хушхулқлик шундай нарсаки, унга барча одам ета олади. Ёқимли хулқ эгаси бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари ўзи ҳам доимо хурсанд юради, бошқалардан эса ўзига муҳаббат ва мулоимлик қайтади.

Қитъа:
Абади саодатнинг калити хушфелликдир, Аммо унга баъзилар муяссар эмас!

● **ҲИҚОЯТ.** Нўъмон ибн Мунзир араб халифаларидан эди. Бир кун чарчаб, ариқ лабига келиб ўтирди. Шу пайт унинг лақмағуй ходимларидан бири:

— Агар бир кишини шу ариқ лабига келтириб сўйилса қони қайси томонга қараб оқаркин? — деб қолди.

Нўъмон: — Буни сенда синаб кўриш керак! — деди-да, уни шу ариқ лабига сўйишга буюрди.

Ўз мақомида ва жойида айтилмаган сўз одамнинг ўзига душман бўлади.

Бошида ақли кам бўлса кишининг, Тилида сўзи кўп бўлади, дилдор!

БИР БОР ҲИТАНГ

Бир бор ўтсанг ёнимдан, Юз бор кечай жонимдан. Нечун хабар олмайсан — Ҳоли паришонимдан?

Йўлинг гулзор, чарогон, Бизнинг кўча ёнма-ён, Қошиг чимириб жон — Ҳитин хиббонимдан.

Бахтимга бахт қўшилар, Ҳитанг қалбим жўш урар. Мен кўз узмай қолурман — Сен номехрибонимдан.

Тоғлар эриб йўқолди, Булбул кўриб ўт олди, Мажнун ўқиб лол қолди — Ишқ-вафо достонимдан.

Кел қўй, қийнама жоним, Сен орзуман, армоним, Заби дер нома ёздим — Сенга юрак, қонимдан.

Забиҳилло НУРУЛЛО

Дам олиш кунини улфатлар билан бир чакқачлашиб келай деб маҳалла гузаридидаги чойхонага чикдим. Чойхона одатдагидан гавжум эди, қари-ялар бир томонда, ёш-яланглар бир томонда, қизгин сўхбат, ўйин-қўлги давом этарди.

Қадрдонларим давра курган сўри томон юрдим.

— Эй Максуджон, бормисиз, ишингиз кўпайиб кетди чоғи, анчадан бери кўринмай қолдиз, — дея қадрдонларим қўлиб олишди мени.

Сўридан жой олиб фотиҳа ўқушимиз билан:

— Ҳўп яхши чикдингизда, бугун Нодирбекнинг набираси Комилбек ўйил кўрибди. Дўстимиз аваралик бўлганини нишонлаб бизга ош қилиб бергати, — деди ёнимда ўтирган улфатлардан бири.

Хорм, бор бўл асносида чойхўрлик бошланди. Бироздан сўнг чойхоначи Мавлон билан Нодирбек чини лаганларини кўтариб ош сузгани кетишди.

Биз билан яқин сўрида ўтирган ёш-яланглар анча-мунча кайф қилиб

КОВУРМА ЖАҒ-ЖАҒ

Бедаяларнинг четида, ариқ бўйларида, ҳайдалган ерларда ўсадиган жағ-жағ ўтдан териб, совуқ сувда ювиб тозаланади, сўнг қозонга соласизда устандан ботиб турарли қилиб сув қуйиб беш дақиқа қайнатасиз. Шундай қилинганда ўт таркибидаги захарли модда эриб, кўкмак бўлиб сувга ўтиб кетади. Кейин човлида сузиб, сувни силкитинг.

Қизиган қозонга ёр солиб доғлайсиз, пиёз солиб қизаргунча қовура-сиз. Сўнгра жағ-жағни солиб, бир неча марта аралаштирасиз ва пича туз соласиз. Қозон буги чиқиб кетмайдиган қилиб тоғорача билан беркитилади-да, 10-15 дақиқа суст оловда димлаб қўйилади.

Тайёр таомни лаганча ёки ликобчаларга сузиб, юзига мурч ёки қалампир сегилиган ҳолда дастурхон-

Баҳор таомлари

Ковурма жағ-жағ учун 1 килограмм жағ-жағ, 200 грамм пахта ёғи, 3-4 дона пиёз керак бўлади. Туз ва қалампир таъбга кўра солинади.

ШАҒТОЛИ ГУЛИДАН ЧУЧВАРА

Ҳандалақдек келадиган сувзала ош хамир тайёрланг. Яхши тингач, нафис қилиб ёясиз ва катталиги 5х5 сантиметр жилдлар кесасиз ва хар жилдага бир чой қўшигида қийма соласизда, чучвара тугасиз.

Чучваранинг қиймаси қуйидагича тайёрланади: шағтоли гуллари-дан териб совуқ сувда чайиб ташлайсиз ва устига укроп, кўк пиёз-ни қўшиб чопасиз. Туз, думба ёғ ва қалампир солиб яхшилаб миж-ғийсиз. Қайнаб турган сувга озгина туз қўшасиз ва чучварани солиб қайнатасиз. Чучвара идиш юзига қалқиб чиқса пишган ҳисоблана-ди.

Пишиб тайёр бўлган чучварани човлида сузиб олиб, ликобчага соласиз ва бетига пиёздоқ солиб дастурхонга тортасиз. Ушбу таом ошқозон, ичаклар ишини яхшилайдиган, сурги сифатида баҳор кезларида истеъмол қилинади.

МАЙОНЕЗЛИ САЛАТ

Редискани тозалалаб, сомонча усулда тўранг. Бунга кўк пиёз, каш-нинч, укроп, петрушка ва саримсоқ кўкидан ҳам тўраб аралаштириг, сурги сифатида баҳор кезларида истеъмол қилинади.

Масаллик: барча яшилчалардан бир боғдан олиб, 200 грамм майонезга ёки шунча қаймоққа қориш-тирилади. Туз ва мурч таъбга кўра сегилади.

МАНМАНЛИК БАЛОСИ

БЎЛГАН ВОКЕА

қолишган шекилли овозларини бар-ралла қўйиб бир-бирлари билан сўжи-ши гаплашарди. Биз уч-тўрт бор йигитларни тартибга чақирдик. Улар «хўп бўлади», дейишардию, ана бироз муддат ўтиб ваъдаларини улти-шарди.

— Келинлар, қўйинлар, ёшлар-да нима қилишса қилишсин. Эйти-бор берманлар уларга, — деди ора-миздан кимдир.

Шундай қилдик. Лаганларимиз яримламмай, йигитлар орасида баҳс-лашув бошланди.

— Ботир, сен кўп ичма, машинанг бор. Уни ҳайдаб кетишни ўйла, — деди улар даврасида ўтирган оқ сочли кат-тароқ ёшдаги йигит.

— Вей, нима деяпсан кўркма оғайни, менга йўл назоратчиларинг чегура, — дея эйтирди билдирди ўша Ботир деган йигит.

— Ботирнинг мушуғини пишт дей-диган ГАЙчи онасининг қорнида ётиб-

ди. Билмайсанда, акаси туман йўл назоратчиларининг бошлиғику, — деди улардан бири.

— Қани Ботирга қўйинлар.

— Пиёла лим-лим бўлмаси ичмай-ман.

— Ботир тўлдириб ичмади.

Улфатлар орасидан кимдир ярим, кимдир ўзини кўрсатиш учун пиёла-ни тўлдириб ароқ кўтарди. Кейин улар бир-бирларига межрибончилик билан газак тугишди. Бир ум чакқачлаш-ган, Ботир соқийни тезлади.

— Қани кўй.

— Ароқ томон бўлди.

— Вой номард, ҳаммаси бўлиб тўрт шиша ароқ кўтариб келибсан-да. Йигит киши буни яшиги билан олиб келади.

— Бўлди, ичкилик етарли бўлди, — деди боғи оқ сочли давранинг каттаси.

— Нимаси етарли, урвоқ ҳам бўлмадику. Ҳозир ўзим дўконга бо-

риб бир яшигини кўтариб келаман.

Ботир оғайниларининг қаршили-гига қарамай ўрнидан турди. Ма-шинаси кабинасига ўтириб, балон-лардан ўт чақнатиб, уни учуриб кет-ди.

Кўп ўтмай ўрта ёшли бир киши йигитлар томон югуриб келди.

— Мабодо, оқ рангли «Нексия» машинаси сизларга қарашли эмас-ми?

Йигитлар машина рақамини ай-тиб сўрашди.

— Ҳа, ҳа худди шу рақамли ма-шина.

— Бизга қарашли, тинчликми ўзи?

— Хайдовчи йигит болани аёлни туртиб юбориб, машинасини симё-ғочга бориб урди. Ҳаммаси оғир аҳволда. Тез боришлар, ёрдам бер-масаларинг иш чаток.

Кейинроқ болани аёлнинг касал-хонада вафот этганини эшитдик. Хайдовчининг ҳам аҳволи оғир дей-ишди.

Ичкиликнинг оқибати, манман-ликнинг касофати шундай аянчли фожеа билан тугади.

Спорт

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШИШДА

Шахримиздаги ЖАР спорт-соғломлаштириш мажмуасида 1985-86-йилларда туғилган ёшлар ўртасида самбо бўйича Ўзбекистон биринчилиги бахслари бўлиб ўтди.

Икки кун давомида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг 200 га яқин ёш самбочилари ўн та вази тоифасида голибларни аниқлаш юзасидан шиддатли курашлар олиб боришди.

Шуни айтиш керакки, биринчилик голиблари жорий йилнинг июнь ойи бошларида шахримизда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиши сабабли бахслар андада кескин ва мурасоси кечди.

Голиблар сафини кўпгина вилоятлар вакиллари бошқарган бўлса-да, бироқ ҳамшахарларимиз биринчилиги мусобақаларида жуда яхши қатнашди. Жумладан, 48 кил로그램гача бўлган энгил вазнда Қ.Султонов зафар қучган бўлса, 74 килogrammиллар ўртасида Ғ.Бобоева тенг келадиганлар топилмади. 100 килограммгача вазндаги яккакурашчилар беллашувида яна бир пойтахт вакили Т.Нурматов ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

Голиб ва совриндорлар медаллар, дипломлар ҳамда кимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

СУПЕРМАРАФОН ТОШКЕНТГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Авал хабар берганимиздек, Наврўз байрамига бағишланган ва Нукус шаҳридан бошланган Умуммамлакат супермарафони шахримизга тобора яқинлашмоқда.

Қувонарли томони шундаки, мамлакатимизнинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган спортсевар, унинг турмуш тарзига ошно ахлиси фаол иштирок этаётган марафон қатнашчилари кеча Наманган—Тошкент учинчи йўналиши бўйича йўлга чиқдилар.

Бугун эрталаб эса Жиззах ва фарғоналик югурувчилар старт олишди.

27 март куни Нукус-Тошкент, Термиз-Тошкент ва Наманган-Тошкент йўналишлари бўйича йўлга чиққан марафончилар шахримиздаги Амир Темури хибонидан тантанали равишда қутиб олинди. Сўнг шахримизнинг марказий шохсупасини бўйлаб 13 километрлик масофага Умуммамлакат марафонининг финал югуриши ўтказилди.

(Ўз мухбиримиз)

Собир Раҳимов тумани томонидан «OZDASTGONASBUS-KUNASAVDO» корхонаси номига берилган ер кадастрлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан етакчи инспектор Турғинов Рустам Одижонович номига берилган 307 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бўққ — Бўққжаҳон силга қарши кураш кўни

ЎЗИНГИЗНИ ЧИНИҚТИРИНГ

Сил касаллигининг олдини олиш кейинги йилларда ер юзидagi деярли ҳамма давлатларда долзарб муаммо бўлиб бормоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сил ўлим хавфи юқори бўлган касалликлардан бири ҳисобланиб, кейинги йилларнинг ўзидagina ер юзидa 300 миллион киши сил билан касалланмоқда ҳамда 3 миллион одам сил тўғрисида дунёдан кўз юммоқда. Беморларнинг 80 фоизи 15-50 ёшли одамларга тўғри келади.

Сил юқумли касаллик бўлиб, уни сил микобактерияси деб аталувчи микроблар тарқатади. Сил микобактерияси табиатда кенг тарқалган, у одамларни ва ҳайвонларни касаллантиради. Организмга кирган микобактериялар барча аъзоларга тарқалади ва уларда сил ўчоқларини келтириб чиқаради. Сил микроблари асосан ўпқада кўпроқ ривожланади. Одам организмга кирган сил микобактериялари ҳамма вақт ҳам касаллик келтириб чиқаравермайди, чунки организмда касалликка қарши курашувчи куч — иммунитет бўлади. Бу куч микобактерияларнинг ривожланишини тўхтаатади ва баъзи микробларни йўқ қилиб юбориши ҳам мумкин. Бор-ди-ю организмнинг иммунитет кучи кам бўлса, микобактериялар касаллик қаҳарида.

Ўпқа силининг клиник кўриниши хилма-хилдир. У грипп, зотилжам, бронхит касаллигига ўхшаб ўтиши мумкин. Силнинг асосий белгиларидан бири, бу — йўталдир. Йўтал билан бирга дармонсизлик, тез чарчаш, терлаш, озиш, кўкрак қафасида оғриқ, ҳар замонда ҳароратнинг кўтарилиши кузатилади. Эсингизда бўлсин, уч ҳафта

давом этган йўтал силнинг ягона белгиси бўлиши мумкин. Касалликни ўш вақтида аниқлаб, тавсия қилинган даволлаш тартибига қаттиқ риоя этилса, уни даволаш мумкин.

Маълумки, 1998 йилдан буён республикамизда силга қарши курашда DOTS дастури қўлланилмоқда. Тошкент шаҳрида 2004 йилдан бошлаб барча туманларда DOTS дастури бўйича сил касаллигини аниқлаш ва даволаш ишлари олиб борилмоқда. DOTS силга қарши дастур бўлиб, касалликни, балғамни микроскопия усулида аниқлаш, беморлар учун юқори самарали стандартланган даволлаш тартиби ва дориларни назорат остида қабул қилишга асослангандир. Силга қарши беморларни 4-5 турдаги дори ёрдамида 2-4 ой мобайнида касалхона шaroитида ва ундан кейин 2-3 турдаги дорилар билан 4-7 ой давомида ўз шароитида тиббий ходим кузатувида даволаш ишлари бепул амалга оширилади. Сил билан оғриган беморларнинг оила аъзоларига касалликни юқитиш эҳтимоли кўп бўлади. Шунинг учун силга қарши тадбирларнинг энг асосийси беморларни барвақт аниқлаш, атрофдагиларнинг беҳавотирили-

гини таъминлаш ва самарали даволашдир.

Силнинг олдини олишнинг мумкин ва самарали усули — баданини чиниқтириш, организмнинг касалликларга қарши кураш қобилиятини оширишдан иборатдир. Бунинг учун руҳиятнинг тетиклигини таъминлаш, асабий ҳолатлардан ўзини сақлаш, бориға қаноат қилиб, эртанги кунга яхши умидлар билан яшаш, озодликка риоя қилиш, зарарли одатлардан тийилиш, яъни спиртли ичимликлар ичиш, кекиш ва бошқалардан узоқ бўлишдан иборат.

Зарарли одатларнинг барчаси иммунитетнинг пасайишига олиб келади, баданини чиниқтириб бориш — уйқудан олдин сайр қилиш, эрталаб туриб юриш, бадантарбия ва гимнастика машқлари билан шугулланиш, сифатли ва режими ошқоватлини ташкил қилиш лозим.

Бугун дунё тиббиёт ахли ҳар йили 24 мартда силга қарши кураш кўнини нишонлайди. 1882 йилнинг худди шу кўнида германиялик бактериолог Роберт Кох Берлин физиологари йғилишида силни келтириб чиқарувчи омилни кашф этганлигини биринчи марта хабар қилди.

Р.Кох замонада сил касаллигини ер юзидagi одамларнинг ҳар еттиасидан бирининг умрига заво л бўлар эди. Сил касаллиги ҳозир ҳам бугунги тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Бу касалликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у билан усмирлар ва ёшлар, фарзанд кўрадиган ёшдаги аёллар кўпроқ зарарланмоқда.

Феруза ИНОФОМЖОНОВА,
шаҳар силга қарши диспансер шифокори.

Мунажжид башорати

ЁҚИМЛИ ВА ФЙДАЛИ ХАРИДАЛАР КУНИ

25 МАРТ, ЖУМА

Ой тўлиши яқинлашиши билан одамлар ўз эҳтиросларини ифодалашда унчалик мулоҳаза қилиб ўтирмайдиган бўлиб қолишди. Бу эса гнахонлик, жанжал-можароларнинг кўпайишига олиб келади.

Бугун янги ишга қўл уриш ёки қийин муаммоларни зиммага олишини хосияти бўлмайди. Жамоа сизнинг ҳаракатларингизни қувватламаслиги мумкин. Соат 15 дан 17 гача ҳар қандай мунозара, тортишув ва ҳатто жамоавий хатти - ҳаракатлардан тийилиб турган маъқул. Шерикчилик муносабатлари шу лаҳзаларда жиддий синовларга дуч келади.

Бугунги кун соқ олдириш, косметолог ҳузурига бориш, уй-рўзгор ишлари билан шугулланиш, турли экин уруғларини севиш, кўчатларни кўчириб ўтказиш учун қўлай келади.

Хайр-садақа қилиш, совға-саломлар бериш, қуш ва уй ҳайвонларини парваришлаш керак, илтимосларни рад этманг. Бугунги кеча никоҳ тўйлари, ўзаро ярашиш ва битимга қолиб ивиб кетсангиз ёки устингизга сув сепиб юборишса — бу сизга келадиган кўмак ва омадли ўзгартишларга ишора. Соат, баъзи майда-чўйдаларни йўқотиш, олов билан боғлиқ барча аломатлар — айрилиқ ва нохушлиқлардан огоҳлантиришдир. Кун бўйи қанчаб юрсангиз, ҳиқчоқ турса, нимадандир заҳарлансангиз-булар ҳам

хавф-хатардан огоҳлантирувчи аломатлардир.

Ҳам рамзий, ҳам ҳақиқий тушлар башоратли ҳисобланади. Тўшингизга осмон, тиниқ сув кирса, ширинлик, айниқас асал есангиз, хурсанд бўлаверинг — булар яхшиликларга ишора.

Қон хасталиклари хуруж қилади. Қораталоқ оғриши мумкин. Оқ, қумуш ранг, ҳаворанг кийимлар бугун ярашишқа ва омадли бўлади. Ёркин яшил, қора ва қизил ранглардан қочинг.

ЖУМА ҲИТИЛАРИ:

- туристик саёҳатлар, сафарларга йўл олиш;
- дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун керакли ашёлар, ёқимли майда-чўйдалар, кўчат ва уруғлар харид қилиш;
- кунни қандай ўтказиш бўйича вақтни тўғри тақсимлаш;
- янги танишлар орттириш;
- концертларга, театрға бориш, вақтни ҳушқакчақ ўтказиш тавсия этилади.

Харидлар бўйича ҳисоб-китобни нақд пулсиз амалга ошириш, пластик карточалар билан эҳтиётиётиларча муносабатда бўлиш, ҳар қандай мажбур раҳбарлар, ўқитувчилар, амалдорлар билан мулоқотда бўлиш, жамоат ҳойларида хулқ - автор қоидаларини бузишга йўл қўйишдан ўзингизни асранг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган кўйидаги автоматотранспорт воситаларининг очик кимовида савдолари ўтказилади.

2005 йил 11 апрелда кўйидаги автоматотранспорт воситаларининг кимовида савдолари ўтказилади:

1. "Газ-2410" автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 Т 08-87, бошлангич нархи 200 000 сўм, техник носоз.
2. "Газ-24" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 F 49-11, бошлангич нархи 1 001 186 сўм, техник носоз.
3. "Ваз-2103" автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 F 70-42, бошлангич нархи 1 172 120 сўм, техник соз.
4. "Ваз-2106" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси D 05-16 ТН, бошлангич нархи 1 207 292 сўм, техник носоз.
5. Москвич-2140 автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 56-71 ТША, бошлангич нархи 363 068 сўм, техник носоз.
6. "Мазда-626" автомобили, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақам белгиси йўқ, бошлангич нархи 5 000 000 сўм, техник носоз.
7. "Нексия" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 С 97-69, бошлангич нархи 10 000 000 сўм, техник соз.

2005 йил 26 апрелда кўйидаги автоматотранспорт воситаларининг кимовида савдолари ўтказилади:

1. "Камаз-5410" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 113, бошлангич нархи 407 111 сўм, техник носоз.
2. «Юмз-30-2621В-3» трактори, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 22 52 ЕЗ, бошлангич нархи 570 292 сўм, техник носоз.

Кимовида савдолари соат 16-00да бошланади. Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимовида савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Кимовида савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсулов кўчаси 3-уй, 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма тибқ, офсет усулида
босилади.
5000 нрешди босилди. Қўғоқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтаманчиси» — 133-74-05 телефониға мурожаат қилинганлиги мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бешаъносини.
Корхона манзили: «Бўёқ Турон» кўчаси, 41-йў.